



Европа Иттифоқи



O'zbekiston Xotin-qizlar Qo'mitasi

юнисеф 

ҳар бир бола учун

Европа Иттифоқи ва ЮНИСЕФ молиялаштирган ҳамда ЮНИСЕФ томонидан амалга оширилаётган
«Жануби-Шарқий, Жанубий ва Марказий Осиёда миграция таъсирига учраган болаларни ҳимоя
қилиш» минтақавий лойиҳаси

Ўзбекистонда миграциянинг болаларга таъсирини ўрганиш бўйича

қисқа ҳисобот



Мазкур нашр Европа Иттифоқининг молиявий кўмагида тайёрланган. Унинг мазмунига
ЮНИСЕФ масъулияти бўлиб, Европа Иттифоқининг бу масала бўйича нуқтаи назарини акс
эттирмаслиги ҳам мумкин.

Мундарижа

ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ.....	1
МЕТОДОЛОГИЯ.....	2
ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ.....	3
ОҚИБАТЛАР	11
ТАВСИЯЛАР.....	12

Қисқача маълумот

Ўзбекистон мустақилликка эришган даврдан буён меҳнат миграцияси миллионлаб одамлар учун ҳаёт стратегиясига айланиб қолди. Этник, сиёсий, ижтимоий, гендер масалаларига ёндашувлар ва ўз мамлакатидида ҳаёт сифатини яхшилашга бўлган умидлар каби омиллар ушбу ҳодисанинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикасининг расмий статистик маълумотларига кўра, 2019 йилнинг биринчи ярмида мамлакатда ишсизлик даражаси 9,2 фоизни ташкил этган.

Ўзбекистонда мигрант ота-онанинг фарзандлари кўпинча васийлар вазифасини бажаруви қариндош-уруғлар, оила аъзоларининг қарамоғида қоладилар. Бундай болалар ривожланиш нуқсонлари, психосоциал ва ҳиссий муаммоларга дуч келиши мумкин бўлиб, бунда ота-оналарнинг сафардалиги болага ғамхўрлик қилишда муаммолар туғдиради. Ота-оналарнинг миграцияси, хусусан, боланинг таълимига, соғлиғига ва ижтимоий ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши кузатишмоқда. Ота-оналарнинг сафарда бўлиши боланинг овқатланиши, таълим олиш даражасига салбий таъсир қилиши ҳамда депрессия ҳолатини келтириб чиқариши мумкин бўлган уй юмушлари ва унинг зиммасига юклатилган масъулият боланинг эрта улғайишига сабаб бўлади.

2018 йил декабр ойида ЮНИСЕФ Европа Иттифоқининг «Жануби-Шарқий, Жанубий ва Марказий Осиёда миграция таъсирига учраган болаларни ҳимоя қилиш» минтақавий лойиҳаси билан ҳамкорликда ота-оналар миграциясининг ота-она назоратисиз қолган болаларга таъсирини тушуниш ва ота-онанинг бири ёки иккаласи узоқ вақт давомида сафарда бўлиши ёлғиз қолган болалар орасида таълим олиш, ривожланиш ва психологик-ижтимоий фаровонлик даражасига кўрсатиши мумкин бўлган таъсирини аниқлаш ҳамда кўп ўлчовли контекстдаги ўзгаришларни кузатиш мақсадида Ўзбекистоннинг Бухоро, Сурхондарё, Фарғона, Хоразм вилоятларини ўз ичига олган тўрт ҳудудда (шаҳар ва қишлоқ жойларида) «Миграциянинг болаларга салбий таъсири»¹ деб номланган тадқиқот ўтказишни бошлади.

2018 йилда Ўзбекистонда болаларни ҳимоя қилиш тизимини баҳолашнинг натижаларига кўра, мамлакатда болаларни ҳимоя қилиш тизимининг таркибий қисмлари мавжуд бўлишига қарамай, улар ходимлар ва маблағ етишмаслиги ҳамда идоралараро мувофиқлаштириш чораларининг сустлиги туфайли самарали ишламаётганлиги аниқланди. Болаларни ҳимоя қилиш хизматлари асосан болаларнинг битта тоифасига - яъни асосан интернат шаклидаги муассасаларга жойлаштирилган ота-она ғамхўрлигидан маҳрум бўлган болаларга қаратилган. Тазйик, зўравонлик, эксплуатация ва бепарволикнинг олдини олиш бўйича хизматлар ва чораларни бажариш паст даражада қолмоқда. Ижтимоий хизмат кўрсатиш касб сифатида этарлича ривожланмаган ва бундай хизматлар асосан фақат интернат шаклидаги муассасаларда кўрсатилади.

Ҳозирги вақтда ижтимоий суғурта бадаллари ва умумий солиқ тушумлари ҳисобидан молиялаштириладиган Ўзбекистон Республикасининг миллий суғурта тизимига ЯИМнинг 9,7 фоизи йўналтирилмоқда. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам бутун ҳаёт цикли учун мўлжалланган ижтимоий ҳимоя қилиш миллий тизими яратилган бўлиб, у фуқароларнинг умрлари давомида дуч келишлари мумкин бўлган муаммоларни ҳал қилишга қаратилган. Ўзбекистонда болалар нафақаси тизими учта асосий йўналишлардан иборат: 2 ёшгача фарзанди бўлган оилалар учун болага ғамхўрлик қилиш нафақаси, 2 ёшдан 14 ёшгача фарзандлари бўлган оилаларга бериладиган нафақа ва ногиронлиги бўлган болалар учун тўланиши кўзда тутилган нафақа. Ўзбекистон ўртача кўрсаткичли даромадга эга бўлган мамлакатлар орасида ижтимоий ҳимоя соҳасидаги йирик инвесторлардан бири ҳисобланишига қарамай, ушбу тизимнинг тузилмаси мамлакат олдида турган мақсаларни амалга ошириш бўйича талабларга жавоб бермайди. Маблағ етишмаслиги ва қамровнинг торлиги сабабли, болаларнинг атиги 17 фоизи бу каби имтиёزلардан фойдаланиш имкониятига эгалар. Фарзандларни парвариш қилиш ва оилавий имтиёзлар берилиши асосан қисқа вақтли даврга мўлжалланган².

1 ЮНИСЕФ томонидан ўтказилган «Ўзбекистон шароитидаги миграциянинг болаларга таъсири» тадқиқотининг тўлиқ ҳисоботи (2019) <https://www.unicef.org/uzbekistan/en/reports/study-report-effects-migration-children-uzbekistan>

2 «Ўзбекистонда болалар ва ёшларини ижтимоий ҳимоя қилиш миллий тизимини яратиш». ЮНИСЕФ ҳисоботи (2020) <https://www.unicef.org/uzbekistan/en/reports/building-national-social-protection-system-fit-uzbekistans-children-and-youth>

Ота-оналарнинг миграцияси болаларнинг ижтимоий ҳимоя қилиш, сифатли таълим олиш, ота-она тарбиясини олиш ва жамиятда иштирок этиш ҳуқуқларини амалга ошириш имконини бермайди. Миграциянинг ижтимоий оқибатларини тан олиш, васийлар қарамоғида қолган болаларга ота-она миграциясининг салбий таъсирини камайтиришга қаратилган далилларга асосланган сиёсат ва дастурларни қабул қилишдаги муҳим қадамдир. Шу маънода, миграция болаларнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясида кўзда тутилган ҳимоя қилиниш, таълим олиш, жамиятдаги иштироки ва мустақил қарорлар қабул қилиш ҳуқуқларини кафолатлай олмайди (UN-CRC, 1989).


Методология

Ушбу тадқиқот 1016 катта ёшдаги васийлар ва мигрант оилаларга мансуб бўлган 702 нафар болалар (11-17 ёш) иштирокидаги сўровлар, васийлар, болалар (15-17 ёш) ва хизмат кўрсатувчи муассасалар иштирокидаги 12 фокус-гурuhlари муҳокамалари (ФГМ), шунингдек турли хил давлат ва жамоат тузилмалари вакиллари билан ўтказилган 16 та эксперт интервьюларни (ЭИ) ўз ичига олган миқдорий ва сифатли маълумотларни тўплаш жараёни асосида амалга оширилди. Маълумот тўплаш маҳаллий Al Mar Consulting агентлиги томонидан 2019 йил март-май ойларида ўтказилди. Тадқиқот учун маълумот йиғиш қуйидаги мезонларга жавоб берадиган муҳожир оилалар фарзандларига ғамхўрлик қиладиган 1016 оилалар / шахсларни қамраб олди:

- Ҳар бир оилада 18 ёшгача бўлган камида битта фарзанди бўлган.
- Боланинг / болаларнинг ота-оналаридан камида бири ҳозирда чет элда меҳнат муҳожир бўлган.
- Сўнгги уч ой ичида боланинг/болаларнинг миграциядан қайтган ота-онаси бўлган.


Маълумотлар тўплаш жараёнида ЮНИСЕФ томонидан белгиланган барча ахлоқий нормалар ва стандартлар тадқиқот фаолиятига киритилган. Болаларнинг ҳимояси ва шахсий маълумотларнинг сирлилигини таъминлаш мақсадида, маълумотлар тўплашнинг барча босқичларида васийлар ва уларнинг фарзандлари билан суҳбатлар ўтказишдан аввал, васийлар уларни хабардорлик қилинганлиги ҳақидаги розилик шакллариغا имзо чекканлар.

2



Тадқиқот натижалари

- Ўзбекистондан ташқарига йўналтирилган миграцияни ҳаракатлантирувчи асосий куч бу мамлакатда иш жойларининг етишмаслиги бўлмай, балки қониқарли турмуш даражасини таъминлаш учун етарли бўлмаган паст даражадаги даромадлар кўрсаткичидир. Ушбу тадқиқотда қатнашганларнинг асосий қисми (80 фоизи) қишлоқ жойларидан келган аҳоли вакилларида иборат.
- Ўзбекистонлик меҳнат муҳожирларининг аксарияти (87 фоиз) Россияга йўл олиб, уларнинг асосий қисми у ерда 9 ойдан кўпроқ вақт давомида қоладилар. Жанубий Корея, Туркия ва Қозоғистон ҳам ўзбекистонлик муҳожирлар иш излаб йўл оладиган мамлакатлар сирасига киради.
- Аксарият ўзбекистонлик мигрант ишчилар ўзлари йўл оадиган мамлакатларда кам ҳақ тўланадиган ишларни бажаришга мажбур бўладилар. Уларнинг аксарияти олий маълумотга эга эмас. Уларнинг асосий қисми (40 фоиз) қурилишда, 20 фоизи саноатда, қолганлари (40 фоиз) умумий овқатланиш ва ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат қилиб, шунингдек фаррош ва ҳайдовчи бўлиб ҳам ишлайдилар.
- Кўплаб муҳожир оилаларнинг (45 фоиз) камида икки нафар фарзанди васийлар қарамоғида қоладилар. Ушбу болаларнинг деярли 63 фоизи оналари билан яшайдилар, чунки муҳожир оталар кўпроқ пул топиб, ўз оилаларига кўпроқ пул юборадилар.
- Оила аъзолари, айниқса **Расм 1: Ҳижрат қилувчи ота-оналар.** оналар, кўпинча 6 ёшга тўлмаган болаларини ташлаб, миграция қилишади. Бу йиллар болаларнинг ривожланишида муҳим давр саналган ота-оналар билан муносабатлар ўрнатиш даври саналади.
- Болаларнинг қарийб 37 фоизи қариндошлари қарамоғида яшайди. Болалар васийлар тарбия ва назоратнинг турли усулларидадан фойдаланишлари ҳақида ҳабар беришган: болаларнинг 12 фоизи имтиёзлардан маҳрум қилинган, 3 фоизи телба, дангаса ва шу каби сўзлар билан камситилган, болаларнинг 8 фоизига нсбатан қўпол муносабатда бўлинган.




Манба: миқдорий текшириш. Қаровчилар (Н ҳақиқий ҳолатлар = 1016).

«Боланинг шахсияти тўлиқ ва уйғун ривожланиши учун у бахт, меҳр ва мурувват тўла оилавий муҳитда ўсиши шарт»

- Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция

- Аксарият оилалар (84 фоиз) дори-дармон, таълим олиш, яхши овқатланиш ва турар жой харажатларини қоплаш учун зарур бўлган пул ўтказмаларига суяниб қолганлар. Сўровда қатнашган мигрантлар оилаларнинг ярмида харажатлар ҳажми даромадлар ҳажмидан анча юқоридир. Кўпгина оилалар барқарор даромад олишнинг бошқа манбаларига эга бўлмай, уларнинг ярми эса умуман иш билан таъминланмаган.

Расм 2: Оилаларнинг асосий харажатлари (фоизда)



Манба: васийлар (N ҳақиқий ҳолатлар = 1016).

- Меҳнат муҳожирларининг оилалари қониқарсиз шароитларда яшашга мажбурлар. Сўровда қатнашган оилаларнинг фақат 19 фоизи марказий иситиш тизимидан фойдаланиш имкониятига эга бўлиб, улардан ярми ичимлик суви билан таъминланган.
- Сўровда иштирок этган деярли барча васийларнинг (93 фоиз) таъкидлашларича, кўп ҳолларда муҳожир оилаларнинг болаларига ғамхўрлик қилаётган васийлар учун бошқа турдаги харажатларни (масалан, болалар учун ўқув материаллари, кийим-кечак ва дори-дармонлар) амалга ошириш имконияти йўқ.

4




Шоира ўғлини Марказдан олиб кетиш учун Термизга қайтди. «Бизнинг турар жойимиз йўқ эди. Мен ишсиз эдим. Қариндошлар менга кўмак беришмади. Мен ўғлим билан бирга бўлишни истадим, лекин ҳатто энг асосий эҳтиёжларни ҳам қондиришга қурбим етмади. Икки ой давомида биз онам дафн этилган қабристонда яшадик», - Шоира кўз ёшларини тутиб тура олмади. Шундан сўнг, Аҳаджонни Меҳрибонлик уйига ташлаб кетишга мажбур бўлди.


[Шоира ҳақида тўлиқроқ маълумот](#)

- Тадқиқ қилинган муҳожир оилаларнинг фарзандлари одатда овқатланиш билан боғлиқ муаммоларга дуч келмайдилар ва тўғри овқатланадилар, аммо уларнинг овқатланиш ҳар доим ҳам иссиқ таомлардан иборат бўлмаслиги мумкин. Болаларнинг кундалик озуқа рационига мева, сабзавот, гўшт ва сут маҳсулотлари киради
- Оилаларнинг уч фоизи озиқ-овқат танқислигидан азият чекиб, одатда магрантлар томонидан юбориладиган пул ўтказмаларидан бошқа даромад манбалари мавжуд эмас. Камомаднинг сабаби мигрант қариндошлари томонидан ўтказиладиган пул ўтказмаларининг даврийлиги ва тартибсизлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин.
- Мактабда тушлик сотиб олишга имконияти бўлмаган кам таъминланган оилалар фарзандлари фермерлар томонидан мактабларга беғараз равишда етказиб бериладиган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланадилар.

- Аксарият оилалар тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятига эгалар. Оилаларнинг фақатгина уч фоизи мамлакатнинг турли минтақаларида сифатли тиббий хизматларнинг этишмаслиги туфайли улардан доимий равишда фойдаланиш имкониятига эга эмаслар.
- Тадқиқотда қатнашган барча мигрантларнинг оилалари даромадлари пастлиги ва дори-дармонларнинг юқори

Расм 3: Болаларнинг овқатланиш рационини (фоизда)

Source: Caregivers (N valid cases = 1016).

Расм 4: Сўнги 12 ой ичида 0-1 ёшдаги болани / болаларни эмлаш, 181 бола


бўйлаб сифатли мактабгача таълимнинг этишмаслиги кузатилади (қишлоқ жойларида деярли йўқ). Мактабгача таълим ҳар бир бола учун уларнинг ота-оналари ишлаётган даврда академик таълим олиш ва ривожланиши мумкин бўлган қулай муҳитни яратиш учун муҳимдир.

- Кўпинча болалар мактаб жихозларининг этишмаслиги, сифатсиз таълим бериш ва ўқитувчиларнинг этишмаслиги ҳамда ўз бўш вақтларини ўтказишлари мумкин бўлган синфдан ташқари дарслар ва ижтимоий ёрдамнинг этишмаслиги туфайли мактабдаги таълим бериш жараёнидан қониқиш ҳосил қилмайдилар.
- Сўровда қатнашган болаларнинг ярми мактаб / коллежда олган билимларини

нархи туфайли зарур дори-дармонлар ёки вакциналарни харид қилиш имкониятига эга эмаслар.

- Сўнги 12 ой ичида 1 ёшгача бўлган болаларнинг қарийб 14 фоизи эмланмаган. Бунинг сабаби васийларнинг мажбурий вакциналар тўғрисида маълумотлари йўқлиги ёки эмлаш марказларининг хизматларидан фойдаланиш имкониятлари чегараланганлиги, шунингдек, давлат томонидан молиялаштирилмаган вакциналарнинг юқори нархи (масалан, гепатит А вакцинаси) билан боғлиқ бўлиши мумкин.

- Мактабгача тарбия муассасаларидаги тўлов нархларининг юқорилиги Ўзбекистондаги ҳар тўртинчи оила фарзандини қамраб олишга тўсқинлик қилади³. Бутун мамлакат

Расм 5: Хусусий репетиторларнинг хизматларидан фойдаланувчи назоратсиз қолган болалар, 1016 васийлар

3 <http://documents.worldbank.org/curated/pt/379211551844192053/pdf/Uzbekistan-Education-Sector-Analysis.pdf>


тўлдириш учун дарсдан ташқари дарсларга қатнайдилар. Болаларни мактабдан ташқари машғулотларга жалб қилиш, ота-оналарнинг узоқ вақт сафарда бўлган ҳолатларда ҳам таълим олишда яхши натижалар кўрсатиб, ота-она миграциясининг болалар кайфиятига салбий таъсирини юмшатишга ёрдам беради.

- Муҳожир болалар уй вазифаларини бажаришда ва таълим олиш жараёнида зарур бўлган ёрдам оладилар ва васийлари ўқитувчилар билан мулоқот қилиш орқали болаларнинг дарсларда қатнашиш даражасини назорат қиладилар. Болаларнинг атиги 23 фоизи репетиторларнинг хаизматларидан фойдаланиб, қўшимча дарсларга қатнашадилар.

«Бола зерикиб, энди таълим олишга қизиқмаса, унинг мактабдаги билим олиш кўрсаткичлар пасая бошлайди. Баъзи болалар, ота-оналари қайтгандан кейингина, таълим олишга жиддийроқ муносабатда бўлишлари ва уй юмушларини камроқ бажаришлари зарурлигини тан олишади»

- ФГД с детьми

Расм 6: Муҳожир қариндош (лар) нинг болалари йил давомида мактаб / коллежга боришни тўхтатганми? 1391 болага 1016 жавоб



• Сўровда қатнашган муҳожир болалар орасида дарсларни қўйиб юбориш ёки мактабдан ҳайдаш каби жиддий муаммолар кузатилмай, уларнинг 98 фоизи мактабга қатнайдилар.

• Мактаб ёки коллеж ўқувчиларининг қарийб 8 фоизи ўтган йил давомида тиббий муаммолар, спорт мусобақаларида иштирок этиш ёки қариндошларини зиёрат қилиш сабабли 1 ой ёки ундан кам вақт давомида дарсларни

ўтказиб юборган. Моддий қийинчиликлар мактабга боришга халақит берадиган сабаблар сифатида ҳам кўрсатилди (масалан, турли фаслларга мўлжалланган кийим-кечакларнинг йўқлиги, ўқув қуроллари ва бошқаларнинг етишмаслиги).

Термиз шаҳрилик эр-хотин фарзандларини уларнинг бувилари қарамоғида қолдириб, пул топиш мақсадида яқин хориж мамлакатларидан бирига жўнаб кетдилар. Кекса ёшли аёл учун 15 ёшли набираси билан тил топишиш тобора мушкул кечар эди. Мухлиса балоғат ёшига етган қизлар билан дугона тутиниб, улар унга пул ишлашни ва улар билан бирга яшашни таклиф қилишди. У мактабни ташлаб, уйдан ҳам чиқиб кетди.


Мухлиса ҳақида кўпроқ маълумот.

- Болаларнинг асосий қисми ота-оналарининг ҳаёт йўлларини такрорламаслик учун таълим олишни давом эттириш зарурлигини таъкидладилар.

«Ёшлар олий маълумот олиш имкониятига эга бўлишлари ва таълим олишга эътибор қаратишлари зарур. Шу тариқа, улар боша ҳаётий мақсадларга интилиб, ота-оналари каби меҳнат муҳожирларига айланмайдилар».

- Болалар, қизлар иштирокидаги ФГМ, Фарғона шахри

Расм 7: Ота-она миграциясидан бери назоратсиз қолган болаларнинг қўшимча вазифалари, 230 бола



укаларига ғамхўрлик қилиш ва ота-оналари зиимасида бўлган бошқа уй юмушларини бажариш каби мажбуриятлар кўламининг кенгайганлиги тўғрисида хабар беришди. Оилада улар зиммасига тушган жавобгарликнинг ортиши болаларнинг кайфиятига салбий таъсир қилади.

- Ота-оналарнинг миграцияси болаларнинг ҳиссий ҳолатига салбий таъсир қилади. Тахминан 33 фоизи ўзини бахтсиз ҳис қилади, 21 фоизи эса доимий хавотирда яшайди.

- Сўровда қатнашган болаларнинг ярми ота-оналари кетгандан сўнг дарҳол кайфиятларининг ёмонлашгани ҳақида хабар беришган.

- Сўровда қатнашган болаларнинг 33 нафари оилавий фермада ишлаш,

«7-синфда ўқиётганимда бувим вафот этди. Бобом ўтган йили вафот этган. Биз деярли ёлғиз қолдик. Биз билан фақат онамнинг акаси - амаким яшайди. У 30 ёшда ва у иш излаб Кореяга йўл олиш ниятида. Уйдаги барча юмушлар менинг елкамда. Мен йиғиштираман, пишираман, юваман ва укамга ғамхўрлик қиламан».

Солиха ҳақида кўпро маълумоти.




- Сўровда қатнашган болаларнинг деярли ярми (44 фоиз) ўз ҳис-туйғуларини оналари билан бўлишишади. Уларнинг таъкидлашича, васийлар уларни ўз ота-оналари сингари тушунишмайди, чунки ота-оналар фарзандларининг фъел-атворини бурчадан яхшироқ биладилар.



Сўнгги беш йил давомида Бехбуд буvasи ва бувиси билан бирга яшаб келмоқда. Онасиз яшашига мослашиш учун унга бироз вақт зарур бўлди. Бехбуд жуда босиқ бола, кўп гапиришни ёқтирмайди, лекин унинг барча ички кечинмалари кўзларида акс этади. Авваламбор, кўзлари унга оғир дамларда далда излаб онасини изламасликка ўрганган болани ўзларида акс этади. Бунинг ўрнига, у бегона кўзлардан нарироқда ҳис-туйғуларига эрк беради. «Бувам ва бувим менинг кўз ёшларимни кўришларини истамайман», дейди у. У ўз онасини соғиниб кўз ёш тўкади.

Бехбуд ҳақида кўпроқ маълумот.

Расм 8: Мигрантларнинг фарзандлари томонидан тажовузорликнинг ҳар хил турлари (фоизда)



- Сўровда итирок этган васийларнинг ярми, ёш болалар кўпинча ўжар, қулоқсиз ва тажовузор бўлиб қолишади, бу айниқса улар ота-оналарини соғинишганда кўзга яққол ташланади. Уларнинг 37 фоизига яқини ўз ғазабларини ака-ука ва опа-сингилларига йўналтирсалар, 18 фоизи эса катталарга нисбатан қўпол муносабатда бўлишади.

- Кўплаб васийларнинг (74 фоиз) айтишича, болалар бегона одамлар олдида ўзларини ноқулай ҳис этадилар.

- Болаларнинг 7 фоизга яқини

хабар беришича, уларнинг ота-оналари сафарга кетганларидан сўнг васийлар томонидан қўлланиладиган жисмоний жазолар уларнинг кайфиятининг янада тушишига сабаб бўлади. Зўравонлик болаларнинг ривожланишига тўсқинлик қилади, билим олиш қобилиятини пасайтиради, дарсларга қатнашларини камайтиради, ўз-ўзини ҳурмат қилиш даражасини тушириб юборади, ҳиссий стресс ва тушкунликни келтириб чиқаради, баъзида қасддан ўз-ўзига зарар етказишга ундайди⁴.

- ФГМ шунингдек, Боланинг эмоционал муаммолари ошиб, қўллаб-қувватлаш ва ёрдам йўқлигининг жуда экстремал оқибатлари ўз жонига қасд қилишга уриниш бўлиши мумкинлигини кўрсатди.

⁴ Вэнь, М. & Лин, Д. (2012) Хитойнинг қишлоқ жойларида болаларнинг ривожланиши: муҳожир ота-оналар томонидан ташлаб кетилган болалар ва ноиммигрант оилалар фарзандлари. Болаларни ривожлантириш бўйича журнал (83), 120-136.

Расм 9: Жазонинг мақбул шакллари, 1016 васий



«Ота-оналарнинг ўз фарзандлари ёнида жисмоний равишда бўлишлари болалар билан яқин ришталарни сақлашнинг асосий омилидир. Уларнинг узоқ вақт давомида фарзандларидан йироқда қолиши миграция жараёни таъсирида бўлган болаларга эмоционал зарар этказиши ва уларнинг психологик ҳолатига таъсир қилиши мумкин».


- Мазияр Талеши, ЮНИСЕФнинг болаларни ҳимоя қилиш бўйича мутахассиси.

- Умумий статистика Ўзбекистонда эрта никоҳга кириш ҳолатлари мавжудлиги ҳақида маълумот беришига қарамасдан (1-жадвал), ҳукумат бу борада зарур чораларни кўрмоқда ва ушбу тадқиқот эрта турмуш қуриш ёки эрта никоҳга кириш бўйича бирон-бир имтиёзлар мавжудлигини аниқламади. Васийлар ва болалар 21 ёшдан 26 ёшгача бўлган даврни турмуш қуриш учун энг афзал давр сифатида кўрсатишган. Шаҳарларга нисбатан қишлоқ жойларда, эрта турмуш қуриш ҳоллари кўпроқ кузатилади.

1 Жадвал 1: 2018 йилда, Ўзбекистонда 18 ёшгача бўлган қизлар ва ўғил болалар орасида эрта никоҳлар

	Қизлар	Ўғил болалар
Ўзбекистон Республикаси	4786	1
Қорақалпоғистон Республикаси	60	-
Андижон вилояти	420	-
Бухоро вилояти	223	-
Жиззах вилояти	76	-
Қашқадарё вилояти	642	-
Навоий вилояти	35	-
Наманган вилояти	261	-
Самарқанд вилояти	1742	1
Сурхондарё вилояти	352	-
Сирдарё вилояти	62	-
Тошкент вилояти	242	-
Фарғона вилояти	355	-
Хоразм вилояти	108	-
Тошкент шаҳри	208	-

- Кўпгина оилаларда маълумот йўқлиги ва бундай ёрдамга эҳтиёж ва ҳуқуқни асослашда қийинчиликлар мавжудлиги сабабли кам таъминланган оилалар учун ижтимоий ёрдам ва имтиёزلардан фойдаланиш имконияти йўқ. Васийларнинг фақатгина 28 фоизи болалар учун ижтимоий хизматлар мавжудлиги ҳақида хабардор бўлиб, уларнинг атти 19 фоизига турли хил хизматлар томонидан ижтимоий ёрдам кўрсатилади.

Расм 10: Болалар ва оилалар учун мўлжалланган ижтимоий хизматлар ҳақида хабардорлик, 1016 васий

Оқибатлар

Умуман олганда, кўп сонли оилаларнинг фикрига кўра, миграциянинг ижобий таъсири салбий таъсиридан кўра салмоқлидир. Чет элда ишлайдиган оила аъзолари томонидан юборилган пул жўнатмалари оилаларнинг иқтисодий заифлигини камайтириши мумкин. Тадқиқот шуни кўрсатадики, ўтказилаётган молиявий маблағлар эвазига оилалар ўз турмуш шароитларини яхшилашлари, ўқув материалларини сотиб олиш, соғлиқни сақлаш хизматларидан ва бошқа шу каби имкониятлардан фойдаланишлари мумкин.

Аммо, пул ўтказмалари оилаларнинг эҳтиёжларини, хусусан болаларнинг психологик фаровонлигини тўлиқ қондириш учун етарлими ёки йўқми ҳануз тасдиқланмаган. Ота-оналарнинг миграцияси сабабли, назоратсиз қолган болалар оиланинг бузилиши оқибатларидан жабр чекишлари, етарлича ғамхўрлик кўрмасликлари ва институтилизация хавфига дуч келишлари мумкин. Бу, айниқса, болаларнинг психологик ва ҳиссий саломатлигига таъсир қилиши мумкин. Баъзи ҳолларда, болалар одатда ака-ука ва опа-сингилларга ғамхўрлик қилиш, уй юмушларини бажариш ва қишлоқ хўжалиги ишлари каби катталар томонидан бажариладиган ишларга жалб қилиниб, бу уларнинг таълим олиши ва бўш вақтларини ўтказишларига ҳалақит бериши мумкин. Хусусан, тадқиқот давомида болалар учраши мумкин бўлган учта асосий потенциал салбий таъсир аниқланди:

Боллага ғамхўрлик қилиш. Ушбу тадқиқот шуни кўрсатдики, ўзбекистонлик меҳнат муҳожирларининг аксариятининг фарзандлари бўлишига қарамай, улар ёлғиз ўзлари миграция қилишни афзал кўрадилар ва кўп ҳолларда болаларни ота-онанинг бири ёки биронта қариндошнинг назорати остида қолдирадилар ёки баъзи ҳолларда уларни интернат шаклидаги муассасаларга жойлаштирадилар. Оталар миграция қилганида, оналар одатда болаларнинг асосий ҳомийси ҳисобланади. Ота-она миграция қилган ҳолларда қариндошларнинг васий сифатида жалб қилиниши энг кенг тарқалганлигини кузатиш мумкин. Кўп ҳолларда, қариндошлар томонидан кўрсатиладиган ғамхўрлик болалар учун энг хавфсиз ва барқарор муҳит саналади. Бироқ, бундай васийлик расмий равишда расмийлаштирилмайди ёки тегишли органларда рўйхатдан ўтказилмайди ва васийлар иқтисодий муаммоларга дуч келган ҳолатларда, болалар бепарволик, эксплуатация ва таҳқирлаш хавфи остида қоладилар.

Болаларнинг психологик ҳолатига таъсири. Оиладаги вазиятдан қатъи назар, болаларнинг аксарияти миграция пайтида ота-оналарини соғинадилар. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, ота-оналарнинг миграцияси болаларнинг эмоционал фаровонлигига энг жиддий таъсир кўрсатади. Тадқиқот шуни кўрсатдики, оталар миграцияси болаларнинг эмоционал фаровонлигини энг паст кўрсаткичга олиб тушади: отасиз яшаган болаларнинг аксарияти кайфиятнинг тушиши ва ғамгинлик ҳисси вужудга келишини қайд этишди. Бундан ташқари, кам таъминланган оилаларда ота-оналарнинг сафарда узоқ вақт бўлишлари ҳам болаларнинг ҳиссий ҳолаига салбий таъсир кўрсатади. Болалар ота-оналарини қўмсаган ҳолларда, улар стресс ҳолатига тушиб, бу ўз навбатида уларнинг кайфиятлари ва фъел-атворларидаги ўзгаришларга сабаб бўлади ва болаларнинг психологик фаровонлигининг бошқа жиҳатларига салбий таъсир кўрсатади.

Болаларнинг ҳимояси ва фаровонлигига таъсири. Ота-оналар миграция қилиб, ўз фарзандларини ташлаб кетишга мажбур бўлганларида, уларнинг фаровонлиги ва ҳимоясига жиддий зиён етади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, васийлар одатда болаларни тарбиялаш ва назорат қилишнинг турли усулларида фойдаланадилар. Болаларнинг 7 фоизга яқини жисмоний жазолалардан, уч фоизи оиладаги зўравонликлардан ва 6 фоизи мактабдаги таҳқирлашлардан азият чекади.

Болаларнинг учдан бир қисми ота-оналарининг миграциясидан сўнг ўз зиммаларига уй юмушлар, болаларни парвариш қилиш ва ака-ука ва опа-сингилларга ғамхўрлик қилиш билан боғлиқ бўлган қўшимча мажбуриятларни оладилар. Болаларнинг ўзлари қўшимчаюмушларни ўқиш ёки ҳаётнинг бошқа соҳаларига ҳалақит берадиган омиллар қаторига қўшмайдилар. Шунга қарамай, таҳлил шуни кўрсатадики, уй юмушлари кўламининг кенгайиши болаларнинг кайфиятига салбий таъсир кўрсатади.

Тавсиялар

1. Мигрант оилалардаги болаларни қариндошлари томонидан васийликка олинишини таъминлаш зарур. Аҳолига ушбу жараёни амалга оширишида қуйидаги чора-тадбирлар қўл келиши мумкин:

- Расмий васийлик ва уни расмийлаштирмасликнинг салбий оқибатлари тўғрисида оилалар ва жамоалар ўртасида тарғибот-тушунтириш ишларини ташкил этиш.
- Рўйхатга олиш ва ҳужжатларни тўплаш жараёнида васийларга ёрдам бериш
- Васийликни расмийлаштириш жараёнини оддийлаштириш
- Ҳуқуқий кўмак ва маслаҳатлар таклиф қилиш

2. Болалар ва уларнинг оилалари учун меҳнат миграциясининг даражаси ва унинг оқибатларини тушуниш учун Ўзбекистон ҳукуматидан кўпроқ миллий тадқиқотлар ўтказилиши талаб этилади. Масалан, интернат шаклидаги муассасаларга жойлаштирилган миграция таъсирига учраган болалар ҳамда зўравонлик ва камситиш қурбонлари бўлган болаларга алоҳида эътибор қаратилиши шарт.

3. Кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш учун этарли ресурсларни ажратиш ва бундай дастурларнинг таъсирини кузатувчи мониторинг механизмларини такомиллаштириш орқали Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя тизимини миллий ва минтақавий даражада такомиллаштириш.

4. Одамларнинг бошқа мамлакатга ёки минтақага миграция қилишга қарор қилишларидан аввал, уларни миллий меҳнат бозорида мавжуд бўлган имкониятлар ҳақида хабардор қилиш. Маҳаллий фабрикалар, фермерлик хўжаликлари ва бошқа соҳага ихтисослашган корхоналар сони ошиб, мамлакатда иш кучига бўлган талаб ўсиб бораётган бир даврда, аҳолига доимо ҳам мавжуд имкониятлар тўғрисида маълумот берилмайдиган ёки улар этарли кўникмаларга эга эмас. Мавжуд иш жойлари ҳақида кенгроқ маълумот тарқатилиб, миграция қилишни ўйлаётган шахслар, айниқса фарзандли аёллар учун касбий тайёргарлик курслари ташкил этилиши мумкин.

5. Тиббий хизматлардан бутун Ўзбекистон бўйлаб фойдаланиш имкониятларини яхшилаш, бунда олис ҳудудларда жойлашган оилаларни самаралироқ қамраб олишни таъминлаш. Ҳар бир вилоятда мобил тиббий пунктларини ташкил қилиш ва жамоа аъзоларининг билимларини ошириш ечим бўлиши мумкин. Мажбурий эмлашлар жадвалига А гепатитига қарши вакциналарни киритиш ва у билан барча болаларни бепул таъминлаш (батафсил маълумот олиш учун кенг миқёсда эмлаш бўйича тадқиқотлар ўтказинг).

6. Вилоятлар даражасида 0 дан 6 ёшгача бўлган болалар учун мактабгача **таълим хизматларини яхшилаш**. Кичик ёшдаги болаларни мактабгача тарбия муассасалари хизматлари билан қамраш оналарга ишга жойлашиш имкониятларини кенгайтиради. Кам таъминланган оилаларга хусусий хизматлардан фойдаланиш ва зарур вакциналарни олиш учун субсидиялар ажратиш.

7. Ўзбекистон бўйлаб **норасмий таълим дастурларининг** хилма-хиллиги, оммавийлиги ва улардан фойдаланиш имкониятини юқори малакали мутахассислар ва мактаблар билан доимий алоқалар асосида таъминлаш тавсия этилади. Ушбу кўмак ота-оналар миграциясининг таъсирига энг кўп учрайдиган кичик ёшдаги болаларнинг ёши ва эҳтиёжларини ҳисобга олиши керак.

8. Мигрант оилалари болаларнинг зиммасига уларни норасмий таълим жараёнига жалб қилинишига тўсқинлик қилиши мумкин бўлган ортиқча уй юмушлари тушмаслиги учун кундалик уй ишларини бажаришда **қўшимча ёрдам ва кўрсатмалар** билан таъминланишлари зарур.

9. Мактаблар ва маҳаллаларда (шу жумладан, муҳожир оилалардаги болалар билан бирга) хавф остида бўлган болаларни аниқлаш, баҳолаш ва ижтимоий хизматларга йўналтиришнинг **аниқ тизимини ишлаб** чиқиш жуда муҳимдир. Маҳаллаларда болаларни ижобий тарбиялаш мавзусида умумий таълим кампаниялари уюштирилиши зарур (мисол учун, зўравонликсиз самарали тарбиялаш усуллари, рағбатлантириш ва самарали мулоқот қилиш кўникмалари).

10. Миграция болаларнинг эмоционал фаровонлигига энг жиддий зарар келтирганлиги сабабли, мактабларда, коллежларда ва маҳаллий жамоаларда миграция таъсирига учраган болаларга **профessional психо-социал ёрдам хизматларини ривожлантириш ва кенгайтириш** жуда муҳимдир. Ушбу ёрдам ёшга қараб мослаштирилиши ва ота-она миграцияси таъсиридан энг кўп азият чекган ёш болаларга қаратилиши лозим. Мактабларда ишлайдиган психологларга маълум бир мақсадли гуруҳ, хусусан, муҳожирларнинг болалари билан ишлаш бўйича қўшимча ўқув машғулоти ташкиллаштирилиши шарт. Мактабларда таҳқирлашларга қарши курашиш ва хавфсиз ўқув муҳитини таъминлаш бўйича комплекс дастурлар ва стратегиялар ишлаб чиқиш шарт.

ЮНИСЕФ (2019 йил) нинг «Ўзбекистонда миграциянинг болаларга таъсири» бўйича тадқиқотининг тўлиқ ҳисоботи

Европа Иттифоқи замонавий ноу-хаулар, ресурслар ва тақдирларини босқичма-босқич бирлаштиришга қарор қилган 28 аъзо давлатдан иборат. 60 йил давомида, Европа Иттифоқи мамлакатлари ҳамжиҳатликда ўз чегараларини кенгайтириб келдилар; Иттифоққа аъзо давлатлар маданий хилма-хиллик, бағрикенглик ва шахс эркинлигини кафолатлаган ҳолда барқарорлик, демократия ва барқарор ривожланиш ҳудудини яратдилар. Европа Иттифоқи ўз ютуқлари ва қадриятларини иттифоқдан ташқарида бўлган мамлакатлар ва халқлар билан баҳам кўриш тамойилларини илгари суради.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси аёлларга ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштирокини кенгайтиришда ёрдам беради. 1991 йилдан бери қўмита ногирон ва ижтимоий ночор аҳволда бўлган аёлларни қўллаб-қувватлаш, жиноятларнинг олдини олиш ва ижтимоий реабилитация қилиш ва илгари қамалган аёлларга мослашишда кўмаклашиш каби йўналишларда фаолият олиб бормоқда. Бошқа фаолиятлар бандлик даражасини оширишни қўллаб-қувватлаш, иш шароитларини яхшилаш ва аёллар ва қизларни, айниқса қишлоқ жойлардаги хотин-қизларни, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликка кенг жалб қилишни ўз ичига олади.

ЮНИСЕФ томонидан амалга ошираётган барча фаолият ва ҳаракатлар ҳар бир боланинг ҳуқуқлари ва фаровонлигини ҳимоя қилишга қаратилган. Биз шерикларимиз билан ўз мақсадларимизни амалга оширишда биргаликда 190 мамлакат ва ҳудудларда фаолият олиб бориб, бунда бизнинг асосий эътиборимиз дунёнинг барча чеккаларидаги болаларнинг манфаати учун энг ҳимоясиз ва четлатилган болаларга қаратишга интиламиз.

**Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги
ваколатхонаси,**

Халқаро бизнес маркази, Амира Темур
107Б, 15-қават
100 084 Тошкент, Ўзбекистон
Телефон: +998 71 120 16 01/02/03/04
Электрон манзил:
Email: delegation-uzbekistan@eeas.europa.eu
www.eeas.europa.eu/delegations/uzbekistan_en

**Ўзбекистон Хотин-қизлар
қўмитаси**

Навоий 30, 3-қават
100 165 Тошкент, Ўзбекистон
Телефон: +998 71 239 40 12
Электрон манзил: info@woman.uz
www.wcu.uz

**БМТнинг Ўзбекистондаги
Болалар жамғармаси**

«Пойтахт» бизнес маркази,
Шароф Рашидов, 16
100 029 Тошкент, Ўзбекистон
Телефон: +998 71 233 95 12
Электрон манзил:
tashkent@unicef.org
www.unicef.uz